



ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ЭМОТЦИОНАЛ КОНЦЕПТЛАР

Хайдарова Саида Абдуқохор қизи

АДУ 2-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7249072>

XX аср тилшунослигининг етакчи йўналиши бўлган системавий тилшуносликка баъзида қарама-қарши қўйилаётган, аслида унинг изчил давоми, тараққиёти тақозоси бўлган прагматик тилшуносликнинг асосий тушунчаси – инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларининг лисоний шаклидир.

“Тилнинг ...тизимли ҳодиса эканлиги аллақачонлар эътироф этилиши, тилшуносларнинг эътибори ушбу тизимнинг қандай ташкил топганлиги, унинг таркибида қайси турдаги бирликлар мавжудлиги, бу бирликларнинг ўзаро муносабатга киришиши, ушбу муносабатлар асосида ҳосил бўладиган тузилмаларнинг умумий тизим ва унинг босқичли тузилишидаги ўрни каби қатор масалаларга қаратилган. Бироқ объектни тўлиқ илмий билиш фақатгина тизимнинг таркибий таҳлили билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу тизимнинг қандай “ишлаши” (ёки ишлатилиши) билан ҳам қизиқиши табиий”.

Система сифатида қаралган тил бирликларининг қўлланилишдаги рангоранглик уларнинг системавий табиатига шубҳа билан қарашга олиб келган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бироқ ҳар қандай системанинг фаолияти бир қатор ёндош системалар фаолияти билан чамбарчас боғланади. Тил системасининг шундай ёндош системалар маданият, жамият, психология ва бошқалар таъсиридаги фаолиятини ўрганиш прагматингвистиканинг асосий вазифасидир.

Инсон ҳис-туйғулари таҳлили ўта мураккаб жараён бўлиб, гоҳида унинг ўзи ҳам бунинг уддасидан чиқишда қийналади. Психологик константларнинг тилдаги акси бўлган эмоционал концептлар ифодаланишида юзага келувчи муаммолар нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик, психология, медицина, социология кабиларнинг ҳам объектидир.

Айнан ҳис – туйғулар муайян индвиднигина эмас, у мансуб бўлган этник, социал гуруҳ ва ҳатто халқнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида турли миллат вакилларининг объектив билимлари бир-бирига жуда яқин келади.

Инсоннинг онгида шаклланган оламнинг лисоний манзараси бир неча омиллар туфайли ҳар бир конкрет ҳолатда ўзига хос бўлади.





Тилшуносликда бироз танқидий баҳоларга эга бўлиб келаётган релятивизм прагматингвистиканинг етакчи фалсафий асоси бўлиши ҳам мумкин. Бу қараш қадимги грек софизмининг “Инсон ҳар бир нарсанинг ўлчовидир” деган тезисига асосланади. Тилшунослик тарихида алоҳида ўрин тутувчи Жанева тилшунослик мактабининг Соссюр таълимотига ўзига хос ёндашуви кейинчалик прагматингвистикага асос бўлган қатор назарий фикрларни юзага келтирди.

Жанева тилшунослик мактабининг энг ёрқин намоёндаларидан бўлган Ш.Балли тилда аффектив факторнинг ўрнига эътибор билан қараган. Унингча, инсонларнинг кўпчилигида ҳиссиёт ақлдан устун туради ва бу ҳолат тилда албатта акс этади. Унингча, тилда аффектив фактор 2 мақсадга хизмат қилади:

1. Инсон субъектив дунёсини акс эттиради.
2. Коммуникациянинг бошқа аъзоларига таъсир кўрсатади.

Ҳар бир жумла “икки қаватли” бўлиб, биринчи қават информация, иккинчиси эса информацияга муносабатдир.

Бу хил қарашлар бошқа тилшунослар томонидан ҳам баён қилинган бўлиб, олмон тилшуноси К.Бюллер диққатга сазовор фикрлар айтган.

У ўзининг “Тил назарияси” асарида лисоннинг уч вазифаси ҳақида гапиради:

- 1) Darstellend “баён, тасвир” предмет ёки ҳодисанинг ифодаланиши;
- 2) Ausdrück “Ифодалаш экспрессивлик” ахборот узатувчининг шахсий хусусиятларининг ифодаланиши;
- 3) Appell “мурожаат” ахборотни қабул қилувчига таъсир кўрсатиш ва унинг хатти – ҳаракатини бошқариш.

Унинг ёзишича: “бу иккаласи (экспрессивлик, конативлик) ўртасидаги фарқ психологик таҳлил нуқтаи назаридан муҳимдир. Аммо лингвистика учун аҳамиятсиз. Масалан, савол бирор ҳодиса ҳақида маълумот бериш талабими (конатив) ёки бирор нарсани билиш истагининг ифодасими (экспрессив)? Экспрессив ва конативни тил тизимида бир-биридан ажратиш бўлмаслигидан ҳайратланмаслик керак. Уларнинг иккаласи ягона бир “шахслараро” вазифага бирикадилар”.

Прагматик лингвистиканинг ўзига хос хусусиятини акс эттириш учун тилшуносликда мавжуд бўлган маъно, мазмун, тушунча атамаларига альтернатив концепт атамаси ишлатилади.

